

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА  
АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 31-oktabr ● Shanba ● 128 (30.088) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадри дўстлар!  
Бугун бутун юртимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётидаги қувончли бир воқеа билан, яъни, мамлакатимиз пахтакорлари ўз зиммасига олган шартнома режасини муваффақиятли адо этиб, катта меҳнат галабасини қўлга киритгани, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этишга эришгани билан барчагини чин қалбимдан самимий табриклаймиз.

Ҳаммамиз кутган бу галаба авваламбор захматкаш, кўпни қўрган деҳқон ва фермерларимизнинг, бу ютуққа муносиб ҳисса қўшган мутахассис ва механизаторлар, барча қишлоқ меҳнаткашларининг азмушчоати ва фидокорона меҳнатининг натижасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Албатта, доимо ер билан тиллашиб, унга бутун борлигини бериб меҳнат қиладиган деҳқон учун қишлоқ ҳўжалиги соҳасида осон йилнинг ўзи бўлмайди. Айтиш кераки, 2009 йил мавсуми ҳам биз учун кўп жиҳатдан мураккаб бўлди. Аввало баҳор серёғин келиб, иқлим инжиқлиги катта қийинчилик туғдиргани, сел ва дўлар кўпайгани, кўёш ҳароратининг етишмаслиги туфайли далаларни тайёрлаш, чигитни экиш ва тўла ундириб олиш жараёни, ҳаммамизга маълум, қарийб бир ой орқага сурилди кетди.

Бундан ташқари, намгарчилик юқори бўлгани учун турли касалликлар, хашарот ва зараркундалар кўпайиб, деҳқон ва фермерларимиз учун яна бир жиддий синовга айланди.

Буларнинг барчаси деҳқонларимиздан ҳар туп гўза атрофида парвона бўлиб, экинга қўшимча ишлов бериш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, бир сўз билан айтганда, кунни — кун, тунни — тун демасдан, ҳар қачонгидан кўра эҳтиёткорлик билан иш тутишни талаб этганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Сиз, моҳир пахтакорларимизнинг мақсад сари ана шундай тинимсиз интилиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, энг муҳими, ўз кучингизга бўлган ишонч, мустаҳкам ирода ҳисобидан барча синовларни енгиб, улкан галабага эришганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги мавсумда, мана шундай ўта мураккаб шароитда сизлар қўлга киритган бу ютуқ мамлакатимиз пахтачилиги тарихига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб қиради, албатта.

Бугунги катта галабага асос бўлган омиллар ҳақида гапирганда, бунинг замирида авваламбор, истиқлол йилларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида узқони кўзлаб амалга ошираётган туб ислохотларимиз, ота-боболаримизнинг бой деҳқончилик тажрибаси ва замонавий илмфан ютуқлари билан бирга, деҳқон ва фермерларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари муҳассам эканини таъкидлаш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Энг муҳими, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, унинг истиқболини ўйлаб, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиши учун мустаҳкам қонуний ва ташкилий-амалий замин яратганимиз, бу ҳаракатнинг самарасини ошириш йўлида кенг миқёсда имтиёз ва имкониятлар туғдириб берганимиз нафақат бугунги галабага эришишда, балки қишлоқ ҳаёти янги босқичга кўтаришда гоят муҳим омил бўлганини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этмайди.

Бу йилги мавсум якунлари ҳақида гапирар эканмиз, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, шартномавий мажбуриятларини 25-30 иш кунини ортириб билан адо этишга эришганини мамнуният билан қайт этамиз. Мамлакатимизнинг улкан пахта хирмони

нига ўзининг салмоқли улушини қўшган Пахтабод, Олтинқул, Қумқўрган, Шеробод, Касби, Қизилтепа, Дўстлик, Нарпай, Наманган, Қува, Боевут, Бўка, Эллиққалъа, Гурлан ва Вобкент туманлари пахтакорлари бу борада бошқаларга ўрнатилган бўлгани алоҳида таҳсинга сазовор.

Юртимиздаги минглаб илгор фермер ҳўжаликлари қаторида, айниқса, Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув», Олтинқул туманидаги «Намуна гулшани», Бўка туманидаги «Сарқор», Чиноз туманидаги «Муқимий», Гурлан туманидаги «Ҳайитмат ота», Эллиққалъа туманидаги «Рўзимбой», Навбахор туманидаги «Муслим Мадаминов», Қамаш туманидаги «Ашур бобо», Поп туманидаги «Эрназар», Қува туманидаги «Олтин диёр», Қумқўрган туманидаги «Гулистон» сингари фермер ҳўжаликлари ҳосилдорлиқни гектаридан 45-50 центнерга етказгани фермерлик ҳаракатининг қандай катта имкониятларга эга эканини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Бу соҳада амалга оширган улкан ишларимиз қаторида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулка, ўзи етиштирган маҳсулотга эғалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган катта ишларимиз ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини қайт этиш зарур.

Айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли чоратadbирлар туфайли нафақат қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, шу билан бирга, деҳқонларимиз, қишлоқ аҳлининг онгу таваққури, турмуш маданияти юксалиб, уларнинг эртанги кунга ишончи, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, ҳаётга фаол муносабати кучайиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ҳосилдорлик даражаси, тола сифатининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан эътиборни тортади.

Шу сабабли бугунги кунда ўзбек пахтаси халқаро миқёсда тобора харидоригир бўлиб, республикамиз жаҳон пахта бозорининг марказларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғини беш йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган, кўплаб нуфузли хорижий савдо компаниялари қатнашиб келаётган халқаро пахта ярмаркасида катта ҳажмдаги шартномалар имзоланиб, бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб бораётганида кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, иқтисодиётимизда етакчи ўрин тутадиган қишлоқ ҳўжалигида ер унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, хусусан, катта меҳнат, масъулият ва сафарбарлиқни талаб қиладиган пахтачилик соҳасига илгор тажрибалар, замонавий янги технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан деҳқон ва фермерларимизнинг даромадлари ва фаровонлигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш масалалари биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Сизларни бугунги юксак меҳнат галабанинг билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хо-надонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Доимо бахтингиз, омадингизни берсин! Ҳеч қачон кам бўлмаг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатасидаги  
Ўзбекистон  
Халқ  
демократик  
партияси  
фракциясининг  
мажлиси бўлиб  
ўтди.



## ФРАКЦИЯ МАЖЛИСИ

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган бир қанча қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқди.

Хусусан, «Архив иши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва мақсадлари ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзбси Насим Алимов сўзга чиқди. У архив иши соҳасидаги жараёнларни тартибга солишга қаратилган мазкур лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланганидан сўнг, ҳужжат юзасидан фракция аъзоларининг билдирган деярли барча фикрлари эътиборга олинганини таъкидлади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти буйича Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзбси Худоев



Маматов сўзга чиқди. Ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаганлар меҳнатига оид ҳуқуқбузарлик учун иш берувчининг жавобгарлиги белги-ланмоқда.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзбси Ойша Охунова маъруза қилди.

(Давоми 2-бетда)



## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси бош директорининг ўринбосари Ҳишом ал-Вақеён 2009 йилнинг 21-23 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси вакилининг ташрифи давомида 22 октябрда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида кредит битими имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ Қувайт жамғармаси томонидан «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини қайта тиклаш» лойиҳасини молиялаш учун 4,34 миллион Қувайт динари (15,62 миллион АҚШ доллари эквиваленти) миқдорда кредит ажратилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан мақсад мавжуд ирригация-дренаж тизимларини модернизация қилиш ҳамда янгила-рини қуриш орқали Жиззах (210,0 минг гектар) ва

километр дренаж каналини реконструкция қилиш-ни ўз ичига олади. Шунингдек, лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ишлари амалга оширилади, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқарувчиларига институционал ёрдам кўрсатилади.

Лойиҳани 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармасидан ташқари, молиялаш ҳажми 65,37 миллион доллар эквивалентига тенг маблағ билан Ислам тараққиёт банки ва ОПЕК фонди ҳам ишти-роқ этмоқда. Бу борада жалб этилаётган хорижий инвестициялар 81,0 миллион доллар миқдорини ташкил этади. Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси тақдим этаётган кредит йилига 2,5 фоиз ставкаси билан 21 йилга, жумладан, 6 йил-лик имтиёзли шарт билан берилмоқда.

(ЎзА)

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқларда бунёдкорлик ишлари қўлами кенгаймоқда. Бунга чекка ва олис аҳоли пунктларининг тобора замонавийлашиб, кўркамлашиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КОРХОНА

Қурилиш қўламининг кенгайиб бораётгани бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 июнда қабул қилинган деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қарори бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омил бўлаётди.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Уланқул қишлоғида гишт заводининг ишга туширилиши натижасида эллик кишининг бандлиги таъминланди. Замонавий технология билан жиҳозланган мазкур «Боботог-Файзова» хусусий корхонаси йилига ўн миллион дондан ортиқ сифатли қурилишбоп материал ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида 2011 йилгача 16 та пишиқ гишт ишлаб чиқариш заводи модернизация қилиниб, техник ва технологик қайта жиҳозланади. Деворбоп материал ишлаб чиқарадиган бешта замонавий корхона барпо этилади.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎзА мухбири.

**2** СОҒЛОМ  
ЭЪТИҚОД  
СОҒЛОМ РАҚОБАТ  
ДЕМАҚДИР

**3** ХАВОСИЗЛИК  
КУЧЛАРИ  
ХОДИМЛАРИ  
ҚАМОҚҚА  
ОЛИНДИ

**4** ТОШИДА  
ҲАМ БОҒ  
УНАДИ...

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO  
AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

1 ноябрь — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кун

Избоскан туман партия кенгашига борганимда етакчи Кумриниса Хўжаева очик чеҳра билан кутиб олди. Аввало, бугун юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сайловга тайёргарлик масалалари, туман кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар, олдидинда турган вазифалар хусусида суҳбатлашдик.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА

инсон ҳаёти, тақдири бор

— Сайловчилар ўзлари ишонган, дардларини тинглай биладиган ва уларни ташвишлантираётган масалаларни давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари муҳокамасига олиб чиқа олиш салоҳиятига эга номзодларни депутатликка сайлайдилар, — дейди у. — Электоратимиз ишончини қозониб, уларнинг қалбига йўл топа олсак, сайлов биз учун омадли бўлиши табиий. Одамлар ишончини қозонишда эса туман партия кенгаши қoшида Жамоатчилик қабулхонаси энг асосий воситалардан бири ҳисобланади. Мазкур тузилмага фуқаролар, электорат вакиллари ўзларини қийнаётган муаммоларга ечим истаб, умид билан келишди, турли масалалар юзасидан муурожаат қилишди. Уларга бериладиган кўмак, ҳатто биргина маслаҳат ҳам жамоатчиликда партияимизга ишонч уйғотади. Биз шуни ҳисобга олиб, ҳар доим уларга имкон қадар ёрдам кўрсатишга, кўтарайтган муаммолари, қўяётган масалаларини ҳал қилиш, ечимини топишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Партия Дастурида белгиланган электоратни ижтимоий муҳофаза қилиш ва унга яқиндан ёрдам бериш масалаларида фаоллар, партиядан сайланган туман, вилоят Кенгаши ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда хайрихоҳлар, ижтимоий ҳамкорлар билан фаол, мустақкам ҳамкорликда иш юритилмоқда.

Жамоатчилик қабулхонасида фуқароларни қабул қилиш жадалли тасдиқланган. Қабулхонага муурожаат этганларга амалий ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат берилмоқда.

— Бу ерга ўз ташвишим, дардим билан келган эдим, — дейди Замира Шарипова. — Туман партия кенгаши имкон топиб, ёрдам берди. Шунда қалбим умидга тўлди. Тўғрироғи, икки ой олдин ишимиз юрдим. Икки нафар фарзандимнинг ёлғиз тарбиялайман. Анча қийналиб қолдим. Шунда менга Жамоатчилик қабулхонасига муурожаат қилишимни маслаҳат беришди. Умидларим пучга чиқмади. Мана, ҳозир мактабда лаборант бўлиб ишлайман.

— Коллежни тамомлаб институтга кириладим, — дейди Жамоатчилик қабулхонасига келган Жаҳонгир Аҳмадов. — Бир мuddат ишимиз юрдим. Бу ерга муурожаат қилганимда ўз мутахассислигим, яъни бухгалтерия соҳасида иш топишимга кўмаклашди. Ҳозир севган касбим, ўзим яхши кўрган машғулот билан бандман. Энди ёрдамга, қўллаб-қувватлашга

муҳтож, бирор бир масала ташвишга солаётган кишиларни кўрсам, уларга ЎзХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига муурожаат этишни маслаҳат берайман...

Туман аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини яхшилаш, партияимиз электорати манфаатларини таъминлаш юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган 14 нафар депутат ташаббуслар билан чиқмоқда. Сайлов округларида ўзларининг алоҳида қабул қилган белгиланган. Ҳокимжон Утанов, Каримжон Ғозиев, Анвар Усмонов, Улғбек Абдуллаев каби жонқуяр депутатларимиз туман аҳолисини қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар бизга бўлаётган муурожаатларни ўрганиб, таҳлил этиб, туман даражасида комплекс ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни кўтармоқдалар.

Яқинда депутатимиз Улғбек Абдуллаев ташаббуси билан туман Кенгашига сайланган барча депутатлар иштирокида махсус гуруҳ тузилиб, хусусийлаштирилган ижтимоий объектларнинг аҳоли ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, ўтган йиллар давомида, ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликлари тузилиши жараёнда тумандаги кўплаб чойхона, маиший хизмат уйлари, қишлоқ клублари, маданият саройлари, катта дўконлар кимосида савдолари орқали сотилган ва хусусийлаштирилган. Аммо, бугунги кунда уларнинг айримлари бузиб ташланди, ўрнида турли иморатлар қуриляпти. Уларнинг фақат бир қисмидангина фойдаланилган, холос. Депутатлик гуруҳи йиғилишида хусусийлаштирилган, аммо бугун фойдаланилмаётган бинолар, объектлардан фойдаланиш, уларнинг нураб боришига йўл қўймаслик масалалари муҳокама этилди. Мазкур иншоотларни сотиб олган кишилар иштирокидаги йиғилишда хусусийлаштирилган объектлардан самарали фойдаланиб, уларда янги иш жойлар яратиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сервиз, касаначиликни ривожлантириш масалаларида эътибор берилди. Натижада туман бўйича ана шундай 27 та объектнинг фаолияти қайта тикланди, 200дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Ўтган 9 ой мобайнида Жамоатчилик қабулхонасига тушган муурожаатларнинг аксарияти иш билан таъминлаш, икки ёшгача бола тарбия-

си учун бериладиган пулларни, ойлик иш ҳақини ўз вақтида ололмастик каби масалалар билан боғлиқ. Мойгир қишлоқ фуқаролар йиғинидан Василяхон Бозорбоева икки ёшгача бола тарбияси учун ўз вақтида пул ололмаётгани ҳақида му-

урожаат қилган эди. Масала Сорбоши маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Халқ банки туман бўлими масъул ходимлари иштирокида ўрганиб чиқилиб, ўз жойида ҳал этилди. Манзураҳон Иқболдинова ичимлик сувининг ифлосланганлиги, сув таъминотида узиллишлар бўлаётгани ҳақида муурожаат қилган. Масала партия кенгаши, «Ўртоқлар» ҚФЙ, Жонобод маҳалласи фаоллари, туман санитария ва эпидемиология бўлими мутахассислари иштирокида ўрганилди. Аниқланишича, маҳаллага ичимлик сув келадиган катта қувур ёрилган. Оқибатда, сув йўқ вақтда ариқдан оқиб келаётган истеъмолга яроқсиз сув қувурга кирган. Масала юзасидан туман «Сувоқова» ташкилотига муурожаат қилдик ва мутахассислар муаммони бартараф этишди.

Қабулхонага бўлган муурожаатларни ҳисобга олиб, туман партия кенгаши томонидан туман ижтимоий таъминот бўлими, молия бўлими ҳамкорлигида «Хаста диллар шод бўлсин» шиори остида хайрия тадбири ўтказилди. Унда тумандаги 100 нафарга яқин яқка-ёлғизлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари иштирок этиди. Тадбир давомида 5 нафар жисмоний имконияти чекланган инсонларга ногиронлик аравачаси, 6 нафарга кўлтиктаёк, 5 нафар етимга туман партия кенгаши томонидан уларнинг номига банкка 40000 сўмдан маблағ қўйилгани ҳақидаги омонат дафтарчалари топширилди.

— Бундай қараганда, булар майда ишлар, арзимас тадбирларга ўхшаб кўриниши мумкин, — дейди Кумриниса опа. — Аммо, ҳар бир муурожаат ортида инсон ҳаёти, тақдири, манфаати ётибди. Электоратимиз, халқимиз вакиллари бекорга эшик қoқиб келаётгани йўқ. Шунинг учун биз ҳар бир муурожаатга, кўтарилаётган масалаларга алоҳида эътибор, масъулият билан қараймиз.

Туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси билан танишиш жараёнида тилга олинган ишлар амалда бажарилганларининг бир қисми эканига ўзимиз амин бўлдик. Туманда партияга ишонч тобора кучайиб, мустақамлашиб бормоқда. Партиянинг туманда 1400 дан ортик азоси бор. Улар 46 та БПТга бирлашган. Жамоатчилик қабулхонаси эса улар учун ҳамма оқиб, Шунинг учун партияимиз хайрихоҳлари, тарафдорлари, қўллаб-қувватловчилари кундан-кун ортки бормоқда.

Гулруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШАББУСКОР СИЁСИЙ КУЧ



ЎзХДП «Фаол аёллар қаноти» аъзосиман. Партия дастурий мақсадлари, асосий ғояларини рўёбга чиқариш йўлида баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Шуни эътироф этишни истардимки, ўтган ўн саккиз йил партияимиз учун сифат жиҳатдан мустақамлашиб, жипслашиб ва сиёсий курашларда чиниқ ишлари бўлди. Бугун у амалий ишлари билан одамлар орасида обрў-эътибор топапти, фаол, ташаббускор, таъсирчан сиёсий куч сифатида шаклланыпти. Буни Жиззах вилоят партия ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, маҳаллий кенгашлар ва бошланғич ташкилотларимизнинг ташаббускорлиги ҳамда ҳаракатчанлиги ошган, депутатлик гуруҳлари тобора фаоллашиб бораёпти. Жойларда партия Дастурини ўрганиш ва

тарғиб қилиш билан бир қаторда уни ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам кўпгина амалий ишлар қилинмоқда.

Маълумки, партияимиз Дастурида жамиятда хотин-қизларнинг маънавияти янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётда янада фаоллашувига эришиш, экологик вазият оғир ҳудудларда яшаётган хотин-қизлар саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Биз партиянинг «Фаол аёллар» қаноти аъзолари кундалик фаолиятимизни ана шундан келиб чиқиб ташкил этаёмиз. Бу ўз навбатида амалий ишларимизнинг кўпайиши, партия барча бўғинларининг кучайишига сабаб бўлаяпти. Бугун кун тартибига қўйилаётган кенг қўламли масалалар эса бизни янада фаол бўлишга, электорат манфаатлари йўлида астойдил курашишга чорламоқда. Қачонки одамлар орасида бўлиб, электоратнинг фикрини ўрганиб, таҳлил қилиб, шу асосда амалий ишларни қўчайтсак, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатъият билан ҳаракат қилсак, кўпчилик бизга

ишонади, эргашади. Шу маънода олиб қараганимизда, вилоят партия ташкилоти атрофига уюшган ХДП аъзолари, турли даражадаги депутатлар, «Фаол аёллар» қаноти ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоларининг ҳар бири бугун қайсибир маънода, партияимиз ғоялари, Дастурий мақсадларининг тарғиботчиси, десам, янглишмайман. Қолаверса, фаол хотин-қизларимизнинг вилоят халқ хўжалигини юксалтиришдаги иштироки, салмоқли хизматларини ҳам мамнуният билан айтиб ўтишни хоҳлардим. Чунки, бугун аёлларимиз депутат, раҳбар, тарбиячи, муаллим, шифокор ва бошқа касб-кор, хунар эмаси сифатида ўз сифатида тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар туйғайли партияимиз фаол, ҳаракатчан, ташаббускор сиёсий куч сифатида ўзига хос маъна, обрўга, эътиборга эга.

Ўғил ҚОМИЛОВА, Жиззах шаҳридаги «Оққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби. Донул ЖўРАЕВА олган сурат.

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

электорат манфаати учун курашишдир

Қашқадарё вилоят партия кенгаши томонидан ЎзХДП ташкил топганининг 18 йиллиги муносабати билан «Электорат манфаатини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий мақсади» деб номланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия кенгашлари раислари, масъул ходимлар, «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қанотлари раислари, фаоллар иштирок этишди. ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Раваҳон маълакатимизда кечаётган ўзгаришлар, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳадаги ислохотларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўзига хос ўрни, ўтган 18 йилда босиб ўтган йўли ҳақида сўз юритди.

— Маълакатимизда кўппартиявийлик тизими шаклланди ва тобора такомиллашиб бормоқда, — деди у. — Сиёсий партиялар фаолиятини қўчайтиришга қаратилган муҳим қонунлар қабул

қилинди ва булар зиммамизга катта вазифалар, масъулият юклатмоқда. Партияимиз дастури электорат манфаатини ҳимоя қилиш борасида асосий қўламлидир. Бу борада вилоятдаги атрофига 31253 нафар аъзони бирлаштирган 886 та бошланғич партия ташкилоти ҳам муносиб ўринга эга. Партия сафини сергайрат, ташкилотчи, илмий ёшлар билан мустақамлаш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами аҳолидан доим хабардор бўлиш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш масалалари бошланғич ташкилотлар зиммасидаги вазифадир.

Партия электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, Дастурини амалга оширишда ўз депутатларига таяниш шубҳасиз. Бунинг учун бўлажак сайловларга тайёргарликни қўчайтириш лозим. Булажак сайловлар барчамиз учун яна бир имтиҳон бўлишини умум-масъулиятимиз лозим.

Шунингдек, Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Ақром Акбаров, Қарши

шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Саҳатов партияимизнинг обрў-эътибори сайланадиган депутатларга боғлиқлигини, маҳаллаларда фаол ташвиқот-тарғибот олиб бориш муҳимлигини таъкидлашди. Деҳқонбод туман тиббиёт бирилшмаси қoшидаги БПТ раиси Ражаб Ниёзов сиёсий кураш қўнағиб бораётгани, туманда аҳоли партияимизга ишонини, сайловларда астойдил қўллаб-қувватлаши учун яна нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида гапирди. Қосон туман партия кенгаши раиси Одил Очилов, Қарши шаҳар Кенгаши депутати Озод Умиров, шаҳардаги Роғузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файзулла Отабоев ва бошқалар сайловга ҳозирлик юзасидан ўз таклифларини ўртага ташлашди.

Давра суҳбати давомида олдинда турган муҳим вазифалар белгилангани.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФРАКЦИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасида «Одамлар имунитет таъқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинган. Ушбу касалликнинг олдини олишнинг асосий жинсий-ҳуқуқий чораси Жиноят кодексининг 113-моддаси 4-қисмида кўрсатилган бўлиб, унда била туриб бошқа шахсни ОИТС касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки ОИТС касаллигини юктириш учун жавобгарлик белгиланган.

Энди эса 113-моддага касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида бошқа шахсга ОИВ инфекциясини юктириш учун жинсий жавобгарликни белгилловчи маънос норми киритилмоқда.

Фракция мажлисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Шукуров маъруза қилди.

«Аҳолининг ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавкуллда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»-ги Қонунларга мувофиқ, фавкуллда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқаруви органи Ўзбекистон Республикаси Фавкуллда вазиятлар вазирлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига турли ҳуқуқбузарликлар, масалан, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария-санитария, ёнғин муҳофазаси ва экология соҳасидаги қондаларни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи боб ва моддалар мавжуд. Бироқ, аҳоли ва ҳудудларни фавкуллда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Тақдим этилаётган қонун лойиҳасида аҳоли ва ҳудудларни фавкуллда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар талабларини бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жавобгарликни назарда тутувчи моддаларни қўшимча сифатида киритиш таклиф этилмоқда.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилангани.

Аслин КАМОЛ

Алишер ёшлигидан тиришқок, илмга чанқоқ бўлиб воёга етди. Мактабни битиргач, Урганч давлат университетига ўқишга кирди. Бу ерда ҳаёти ва илм йўли ибрат мактаби бўлган устозлардан таҳсил олди. Олий таълим даргоҳининг энг фаол, иқтидорли талабалардан бири бўлган Алишер Юсупов ўша йилларда ЎзХДПга аъзо бўлди. Яқинда у таҳририятимизга келганида нега шу сиёсий куч сафинда бўлишни истагани ҳақида гапириб берди:

— Маълумки, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг дунёга машхур беш тамойилидан бири — кучли ижтимоий ҳимоядир. Бу сиёсат мамлакатимизда бир тузимдан иккинчи тузимга, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг айнан кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўпгина муаммолардан асрамоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий адолат, меҳр-оқибат, инсоний қадриятлар муҳим аҳамиятга эга. ЎзХДП ташкил топганда бўён ана шундай ғояларни илгари суриб келмоқда, ижтимоий сиёсатнинг изчиллигини таъ-



СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД СОҒЛОМ РАҚОБАТ ДЕМАҚДИР

минлаш йўлида кўпгина ташаббусларни ўртага ташланган. Шу сабабдан ҳам ўша 1992 йилда ЎзХДПга аъзо бўлганман.

— Ҳар бир кишида эътиқод, албатта, бўлиши кераклиги ҳақида болалигимдан қўлоғимга қуйишган. Инсон бирор муқаддас туй-

ғуга интилиб яшаса, одамларга кўпроқ нафи тегади. Эътиқод деганда, бир инсоннинг эмас, балки умум-манфаатга хизмат қиладиган эзгу ғоя, қарашларнинг ҳақлигига ишониш ва уларга амал қилишни тушунаман. Масалан, мамлакатимизда тўртта сиёсий партия бўлса, ҳар бирининг ўз дастури, мақсади ва ғояси бор. Баъзида айрим партиялар тирноқ остидан кир қидириб, майда муам-

молар атрофида ўралашиб қолаётгандек, назаримда. Бизга бундай тортишувлар эмас, балки ғоялар баҳси керак. Муқобил таклифларни ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш йўлидаги ўзаро соғлом кураш, рақобатни шакллантириш зарур, деб ўйлайман.

— ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари бўлиб ишлагансиз. Аини пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчисисиз. Сизнингча, партиянинг ижтимоий-

сиёсий фаолияти самардорлигини ошириш учун нималар қилиш лозим?

— Бошланғич ташкилотларга кўпроқ эътибор бериш, уларнинг фаолиятини қўчайтириш ўта муҳим заруратдир. Партия тизимида устоз-шогирд аънаси асосида етакчилар тайёрлашнинг истиқболли режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилса яхши бўлар эди. Чунки, катта ёшлилар кўпни кўрган, ҳаётни тажрибаси

бой. Уни ёш авлодга етказиш ўсиб келаётган, сафини тўлдирётган йигит-қизлар орасидан муносиб кадрлар тайёрлашнинг асосий шартларидан биридир. Шу билан партияимизда ўзига ўзи кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашар эди. Агар зиммамиздаги масъулият илган амалий ишларимизни таққосласак, хотиржам бўлишга ҳали анча эрта эканлигига амин бўламиз. Шундай экан, бошланғич ишларни муносиб давом эттирадиган ёшларга ҳар доим эътиҳоб бор. Ниятнинг ҳолис бўлса, Яратганнинг ўзи йўлигини очар экан. Мен Академияда ўқиш бахтига муассар бўлдим. Бу масканда дарсимизнинг етуқ олимларидан сабоқ олаётиман. Аслида сиёсий партиялардан тингловчилар қабул қилиниши ҳам биз учун катта имконият. Ушбу илм даргоҳида сиёсий партиялар учун кадрлар тайёрлаш бўйича алоҳида ўринлар ажратилса ёки сиёсий партияларда ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этилса, янада яхши бўларди. Фурсатдан фойдаланиб, партия аъзоларини, электорат ва тарафдорларини ЎзХДП ташкил топганининг 18 йиллиги билан табриқлайман. Дилшод ЗАЙНИЕВА ёзиб олди.

Иқтисодий ва ислохот

ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Самарқанд вилоят бўлими иқтисодийнинг реал секторига молиявий ёрдам бериш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатида жалб этиш, филиаллар тармоғини янада кенгайтириш орқали белгиланган бизнес режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишига эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Шу боис банк жамоаси алақачон ўз мижозларининг эътирофига сазовор бўлган.

мижозлар ишончи



Бўлим вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, импорт ўрини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада қўлайлаштириш йўлида қатор изланишлар олиб бормоқда. Банк мижозлари ҳисобланмиш ўнлаб корхоналар экспортга маҳсулот чиқараётгани ҳам фикримиз далилидир.

раси куйидаги кўринишга эга:

2009 йил 1 октябрь ҳолатига жами кредит кўйилмаси 41 млрд. 277,5 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 17 млрд. 097,0 млн. сўми қисқа мuddатли кредитлар, 24 млрд. 139,4 млн. сўми узок мuddатли кредитлар ҳисобланади.

Банк томонидан ажратилган кредитлар асосан халқ ҳўжалигининг кўйидаги соҳалари бўйича йўналтирилган: саноатга 8 млрд. 925,7 млн. сўм; қишлоқ ҳўжалигига 10 млрд. 797,6 млн. сўм; қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлашга 4 млрд. 771,8 млн. сўм; савдо ва умумий овқатланишга 9 млрд. 936,7 млн. сўм; қурилиш ҳамда автотранспорт соҳаларига 787,6 млн. сўм; жисмоний шахсларга 6 млрд. 520,3 млн. сўм.

Банк жамоаси қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, мижозлар фаолиятини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Шериклар билан аниқ ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, бизнес-режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш борасида уларга зарур маслаҳатлар берилмоқда ва сифатли хизматлар кўрсатилаётти.

Шу билан бирга, деҳқон ҳўжаликларига жами 82 та қишлоқ ҳўжалик техникасини сотиб олиш учун 2 млрд. 651,2 млн. сўмлик амалий ёрдам берилди. Қўллаб-қувватлаш операциялари бажарилди.

2009 йил 1 октябрь ҳолатига банк бўлими томонидан ёш оилаларга умумий миқдори 1 млрд. 181,3 млн. сўмлик ипотека, истеъмол ва микрокредит ҳамда 217,0 млн. сўмлик овердрафт кредитлари ажратилди.

Миллий банк Самарқанд вилоят бўлимида ўтган тўққиз ой мобайнида жалб этилган мижозлар ҳисобига касса кирими қисми 801,2 млн. сўм кўрсаткичга эга бўлди. Қўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида шу даврда аҳолига пенсия, нафақа тўловлари, бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи тўловлари молиялаштирилган маблағлар доирасида тўлиқ таъминланди. Қундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан долмиий мониторинг амалга оширилиб, нақд пул ҳисоб-китоблари ҳолати таҳлил қилиниб, улар ўз вақтида бериб боришмоқда. Аҳоли ва ҳўжалик юртимчи субъектларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пул маб-

лағлари (яъни бирламчи иш ҳақи, пенсия ва нафақалар) берилиши устидан қундалик назорат ўрнатилиб, ўз вақтида ажратиб берилаяпти.

Банк бўлими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва талаблари юзасидан, яъни аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга қабул қилиш, омонатларнинг янги турларини жорий этиш ҳамда бу борада омонатчиларнинг маънавий хўшо қилган ҳолда муайян ишларни амалга оширмоқда. 2009 йил 1 октябрь ҳолатига банк бўлими ва филиалларига миллий сўм ҳамда хорижий валютанинг сўмдаги эквивалентида жами 18 млрд. 074,7 млн. сўмлик талаб қилиб олгунча ва мuddатли аҳоли омонатлари жалб этилди. Шунингдек, нақд пулсиз тўловлар тизимини ривожлантириш борасида олиб боришдан ишлар ҳам эътиборга сазовор. Жисмоний шахсларнинг ўз пул маблағларини «Икчам» сақлаш ва теъдор фойдаланиш мақсадида 91019 донна пластик картчалари очилган. Амалиёт бошқармаси ва туман филиаллари орқали савдо ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш ташкилотларига 312 та банк терминаллари ўрнатилган.

Чет эл валюталарини аҳолига тез етказиш ва замонавий банк хизмати турларини кўлайтириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. «Вестерн Юнион», «Азия Экспресс», «Мигом», «Контакт» каби пул ўтказиш тизимлари изчил фаолият олиб борапти.

Хуллас, қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йўлида халқимизга ҳолис ният билан хизмат қилаётган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Самарқанд бўлими иқтисодий ислохотларга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

МАРСГА ВИРТУАЛ ПАРВОЗ УЧУН

кўнгилчилар қабул қилинади

Европа космик агентлиги моделлаштирилган Марсга парвоз тажрибасида қатнашишни истовчи кўнгилчилар учун танлов эълон қилди. Парвоз тажрибаси 2010 йилда бошланади ва у 520 кеча-кундуз давом этади.

иштирок этишни хоҳловчиларнинг ёши 20 дан 50 гача бўлиши мумкин, фақат улар жисмоний чириккан, бўйи 185 сантиметрдан кам бўлмалиги лозим. Бундан ташқари, рус ва инглиз тилларида яхши сўзлаша оладиган, тиббий, биологик ёки техника маълумотга эга бўлиши даркор.

Яна бир шарт шунки, тажрибада келажақда Ой ва Марсга

парвоз дастурида иштирок этувчи мамлакатлар — Австрия, Бельгия, Швейцария, Чехия, Германия, Дания, Испания, Франция, Греция, Италия, Ирландия, Норвегия, Нидерландия, Швеция ва Канада фуқаролари қатнашиш учун ариза беришлари мумкин.



ЖОРИДА

Эслаб ўтамиз: 28 октябрь кун Ироқ Адлия вазирлиги ва губернатор маъмурияти бинолари олдида портловчи моддалари бор автомобиллар камикадзелар томонидан портлатилиши натижасида 153 киши қўрбон бўлган, 500 дан ортик одам турли даражада тан жароҳати олган.

Ушбу қўрқувчилик ҳаракатлари учун жавобгарлики «Ироқ ислом давлати» ташкилоти бўйича олди. У «Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилотининг бўлинимаси ҳисобланади.

Ироқ маъмурияти қўрқувчилик ҳаракатлари учун жавобгарлики «Ироқ ислом давлати» ташкилоти бўйича олди. У «Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилотининг бўлинимаси ҳисобланади.

ХАВФСИЗЛИК КУЧЛАРИ ХОДИМЛАРИ

ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Ироқнинг Бағдод шаҳрида содир этилган йирик иккита қўрқувчилик ҳаракати учун хавфсизлик кучлари ходимларининг 61 нафари (улардан 11 нафари офицер) қамоққа олинди.



«AFP» АА маълум қилишича, улар қўрқувчилик содир этилишига бевосита алоқадор эмас, балки қўрқувчилик ҳаракати юз берган Салхия туманида хавфсизликни сақлаш учун масъул эдилар. Террор юзасидан тергов-сўриштирув ўтказиш комиссияси уларга қандай айблов эълон қилади, буниси ҳали номаълум.

«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» MChJ

ochiq auktsion savdolariga taklif etadi Tashkent shahri, Mirobod tumani, Oltinko'1 2-tor ko'chasi, 115 - uyda joylashgan «Oziq - ovqat mollari» OAJ Respublika ixtisoslashtirilgan ulgurji baza-kontorasi tasarrufidagi yettita:

- 1. 1992-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AQ 154 bo'lgan «FA3 5201» rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 3 700 000 so'm. Zakalat 740 000 so'm.
2. 1980-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AW 430 bo'lgan «KAB3 664» rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 3 500 000 so'm. Zakalat 700 000 so'm.
3. 1991-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AQ 122 bo'lgan «FA3 53» rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 3 650 000 so'm. Zakalat 730 000 so'm.
4. 1991-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AQ 146 bo'lgan «FA3 3307» rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 4 000 000 so'm. Zakalat 800 000 so'm.
5. 1982-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AQ 116 bo'lgan «ZIL 130» rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 4 000 000 so'm. Zakalat 800 000 so'm.
6. 1990-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AQ 118 bo'lgan «FA3 5312» rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 2 500 000 so'm. Zakalat 500 000 so'm.
7. Ishlab chiqarilgan yili nomal'm, davlat raqami 01/672 DAA bo'lgan «GA СНГ ЗИЛ ММ3-4502» rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 2 850 000 so'm. Zakalat 570 000 so'm.
Auktsion savdolari 2009-yil 1-dekabr kuni soat 15:00da boshlanadi. Sotilmagan obyektlar 2009-yilning bir seshanba kunlari o'tkaziladigan savdolariga sotilgunga qadar qo'yiladi.
Savdolar qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «Munitsipal auktsion markazi» MChJ ning AIBK Ipak Yo'li daqi MFO 00444, STIR 300053338, 2020800010455505002 sonli hisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi.
Buyurtma qabul qilish savdo kuniidan bir kun avval to'xtatiladi.
Savdo g'olibiga savdo kuniidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.
Manzil: Tashkent shahri, Shayxontohur tumani, M-14,19-uy.
Aloqa telefoni: 244-88-03, 244-88-04. Elektron pochta: auktsion@bk.ru
Guvohnoma: M 001568 - 09

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилги дастур асосида вилоятда қуйидаги касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга тайёр ҳолда янгидан қуриш ва реконструкция қилиш бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: №, Объект номи, Буюртмачининг бошланғич нархи, Кўшилган қиймат солиғи билан бирга (млн.сўм), Кўшилган қиймат солиғисиз (млн.сўм)

Table with 3 columns: №, Узув тумани, «Файзова» қишлоғида Савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи, 2685,0, 2237,5

Объектларнинг қурилиш мuddати — 2010 йил 1 август. Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

ишларини молиялаштириш Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган «Ўзбекнефтьгаз» МХК маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдolari предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли кас-

бий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга муво-

фиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектур» иш — қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиши кун ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Янги шеърлар

МИЯТИИ ҚАЛБДА УХЛАМАС ХАВАС

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири

ҚИШЛОҚ ОҚШОМЛАРИ

(эсдаликлардан)

Намозлар ҳам тунди, Шом қармоқда зил, Ҳафтада қонгалаш шафақнинг ранги, Салқин ҳаволарда ҳарирдай енгил, Муаллақ кўринар йўлларнинг чанги.

Пода ҳайтаётир тоғ этагидан, Қишлоққа етмасдан тарқалар, чопар. Товуш йўлини бурди кўприк тағидан, Қадрдон ҳовлисин адашмай топар.

Терак учларида офтобнинг юқи, Сўнги чўғларини ташлар ўчоққа. Қайдандир келади қафиз тағ-туғи, Урилар пилдос ҳиди димоққа.

Кечки таомнинг ҳам фурсати етган, Дастурхон атрофи асна тўлади. Кўчадан «Ошалол», «Ошалол» деган, Подчанининг саси эшитилади.

Кимдир олиб чиқар гўжа ё патиқ, Кимдир шобласини солган товбоққа. Ҳарна егуликни тўқнашар бир-бир, Подачи кўтариб олган қовбоққа.

Бошланади олис, маҳзун паллалар, На бир тасхив бордир, на бордир эрмак. Бир-бирини тинжиши кирса болалар, Катталарни чулгар чарчоқ ва тинак.

Ошалол — Ҳалол ош

Сайхондан бир овоз таралар ногоҳ, Болакай «Кел, ҳо-о-о» деб чорлар атайин. Товуш тун қушин товушдай, гоҳ Ойнинг шўғласидек ёйилар майин:

Томда товуқ ётарми, Оёқлари қаторми, Эндигининг боласи, Намозиомдан қотарми. Кел, ҳо-о-о...

Оқ кучуквачча, Қора кучуквачча. Уйдан чиқмаган, Ола кучуквачча. Кел, ҳо-о-о...

Чиқар болакайлар уйлардан гуррос, Шамолда довурача тўқилгандек дуб. Сайхон тўлиб кетар, солишар ҷувбос, Бир зумда бошларан ўйин ва қий-ҷув.

Юмуш билан ўтди ахир узун кун, Сўниб қолмаса бас руҳинг юлдузи. Бунарсиз аслида тиркишк абас, Туна айланади ҳаптво кўндузи.

Тун ҳам овиб борар, болалар тарқар, Уй ўйига дейди, тепа тўйига. Тўшакка ўзларин ташлару ухлар, Донг қотар, ҳеч нарса келмас ўйига.

Тўшларига қирар эртани юмуш, Лаблари дээркан тунги учқудан. Далада молига ўт ўрар эмиш, Суб ташиб келармиш олис қудуддан.

12.10.09

БОЛАЖОН

Бобонинг босими чиқар дам-бадам, Гарчи рўзори бут, соғломдай тани. Даволашни деса, қўл сиптар бевам, Ҳаптво нарҳезни ҳам ушласа қани.

Ортиқ тақаллуфга қилмас ҳеч тоқат, Дейди: — Ҳон бор экан, чиқар миёга. Бунчалик эътибор, дейди, на ҳожат, Ёши ўтиб қолган бир қарияга.

Нонушта пайтида ҳамма бўлар жам, Отага ўйил ҳам чой тутмоққа шай. Келин секингина пичирлар шу дам: — Кичкинанинг озроқ иссиғи бордай...

Ўғлига юзларан бирдан отахон, Ўйил дуч келгани зўё балого. — Гердайтиб юришни йиғиштир, нодон, Болага қара-да, болага.

14.10.09

КИБР

Ақлинг булоғи қуримаса бас, Сўниб қолмаса бас руҳинг юлдузи. Бунарсиз аслида тиркишк абас, Туна айланади ҳаптво кўндузи.

Бундай чоғ юксалиб нафс деган бало, Эзгу ҳисларингдан келгайдир усту. Ҳадя кутажақсан боландан ҳаптво. Битта гешт қўймаган ўз отаг учун.

Ҳасад деган олов гурлаб дафъатан, Буткул чуғиб олмай фикри дилгани. Кибр борлигинда қурдайди маскан, Қора дуд қоплағай умр ўйингани.

Ўзидан мусоё бўлган Инсонинг Мудом қилган гиш ёмонга дўнган. Бундай пайт дейдилар: — Афсус, фалонинг, Булоғи қурган, юлдузи сўнган.

22.10.2009

Турмуш чорраҳаларида

ЧИРАНМА ҒОЗ (замонавий масал)

Кунлардан бир кун каламуш инидан чиқиб, атрофни кузата бошлабди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарадаги уйлардан бирининг томида лочин турибди. У қанотларини кенг айганча савлат тўкиб, виқор билан томда юрарди. Бунга каламушнинг ҳаваси келибди. У ҳам лочиндек бўлган, деб виқор билан гердайтиб юра бошлабди. Ерда юрганига қаноат қилмай бир амаллаб, ўрмалаб томга чиқибди. У ердан яна осмонга қарабди. Энди лочин осмонда парвоз қилаётган эди.

— Нахотки, мен унга ўхшолмасам, — деб каламуш ҳам томда виқор билан юра бошлабди.

— Ҳа каламушбойвачча, жуда гердайтиб қолибсиз, тинчликми? — Тинчликка тинчлик-а, лекин осмонга қара, лочин қачондан бери маза қилиб учиб юрибди. Айланганини қара, менинг ундан нима кам, унингдек парвоз қилсам дейман, — деб қарғага маънос термулибди.

— Лочиндек бўлишга йўл бўлсин. Унга тенглашман деб ўзингдан кетма, ўйлаб иш қил! Қарға шундай дея лип этиб учиб, нарироқдаги дарахт шохига қўнибди.

Каламуш қарганинг гапига парво қилмай олдинги икки оёғини кўтариб, томда юришда давом этибди. Лочинга ҳавасими, ҳасадими ошгандан ошибди. Охири «учиш-га қарор қилиб, том четига келибди. Оёқларини кенг ёйиб ўзини отибди-ю, кўз очиб-юмганча тап этиб ерга тушибди...

Қиссадан ҳисса: ҳозир юртимизда айна куз фасли. Тўйлар мавсуми. Катта-катта ресторанларда, тўйхоналарда наинки қўшқарнай, ҳатто ўн қарнай чалдириб, тўй қилаётган бойваччалар ҳам бор. Бироқ уларга ҳавас қилиб, бир умр йиққан-терганини сарфлагани камдай ботмонлаб қарға ботаётганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис айтмоқчимизки, катта тўй қилиб, бир умр қарз тўлагандан кўра, ихчам тўй қилиб, фарзандларнинг бахтини тиланг, одамлар.

Юнус ЗИЁДОВ меҳнат фахрийси.

Куала-Лумпур (Малайзия)да ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони саралаш учрашувлари ўтказилди. Мусобақанинг «А» гуруҳида Саудия Арабистони, Кувайт, Афғонистон, Покистон вакилларига қарши тўп сурган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси барча ўйинларни муваффақиятли ўтказиб, Осиё чемпионати финал босқичига йўлланма олди.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ҚИТАЪ ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўтказилган тўрт ўйиннинг учтасида гала-бо қозониб, биттасида дуран қайд этган ўсмирларимиз гуруҳда биринчи ўринни эгаллашди. Фақатгина вакилларимизга ютказган кувайтликлар ҳам Осиё чемпионати финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ўсмирлар ўртасида келаси йили ўтказиладиган Осиё чемпионатида, шунингдек, Эрон, Тожикистон, Сурия, Ироқ, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Уммон, Япония, Индонезия, Хитой, Шарқий Тимор, КХДР, Вьетнам, Австралия ёш футболчилари ҳам иштирок этишади. Эътиборлиси, саралаш баҳсларининг «С» гуруҳида қатнашган Жанубий Корея ўсмирлар терма жамоаси бу гал қучиллар қаторидан жой ололмади.

«ПОХАН СТИЛЕРЗ» — «АЛ-ИТТИҲОД»

жамоалари футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси финалига йўлланма олди.

Мусобақанинг чорак финал баҳсларида Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчиларидан устун келган «Похан Стилераз» (Жанубий Корея) ҳамда «Пахтакор» жамоасини енган «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) вакиллари ярим финалда ҳам муваффақият қозонишди. Бразилиялик Сержио Фариас бош мураббийлик қилаётган корейлик футболчилар ярим финалда «Умм Салал» (Қатар)ни икки бор доғда қолдирдилар. Дастлаб Поханда 2:0 ҳисоби қайд этилган бўлса, сафардаги учрашувда ҳам улар зафар қучишди — 2:1.

Осиё чемпионлар лигасининг икки қарра (2004-2005 йиллар) голиби «Ал-Иттиҳод» ҳам ўз мухлисларини қувонтирди. Аввалига улар Саудия Арабистонида «Нагоя Грампус Эйт» (Япония)ни йирик 6:2 ҳисобида енганди. Жавоб учрашуви ҳам уларнинг фойдасига ҳал бўлди — 2:1.

Энди Осиёнинг 2009 йилдаги энг кучли жамоаси номи 7 ноябрь кунини ўтказиладиган финал ўйинидан сўнг маълум бўлади. Ҳал қилувчи баҳс Токио (Япония)даги Миллий стадионда ўтказилиши белгиланган.

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

29 октябрь кунини Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида ёпиқ спорт иншоотларида ўтказиладиган спорт турлари бўйича III Осиё ўйинлари бошланди. Унда мусобақа дастуридан жой олган футзал бўйича Ўзбекистон айллар терма жамоаси ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Абдурахмон Юмангулов бош мураббийлик қилаётган футзалчи кизларимиз мусобақанинг «Д» гуруҳида Япония, Эрон, Филиппин терма жамоалари билан куч синашадилар. «А» гуруҳидан эса Таиланд, Вьетнам, Малайзия, Иордания футболчилари жой олишган. Вакилларимиз илк учрашувни 29 октябрь кунини Япония футболчиларига қарши ўтказишди. Таквимга кўра, Ўзбекистон футзалчи кизлари бугун Эрон, 2 ноябрь кунини эса Филиппин терма жамоалари билан ўзаро куч синашади. Мусобақа низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа кейинги босқичга йўлланма олади. Эслатиб ўтамуки, футзалчи кизларимиз 2005 йилда мусобақа голиблигини қўлга киритишган бўлса, орадан икки йил ўтган, бронза медалига сазовор бўлгандилар.

Эркин ХОЛБОБОВ

Ургутликлар Муаззам тўндўзни яхши танишди. Бугунки кунда Муаззамхоннинг шоғирдлари устозидан ҳам ўтиб кетишган. «Шоғирдларим ўргатганларимни шамолга учирмади, меҳнатларим беҳудага кетмади. Ахир халқимизда шоғирди ўзидан ўзмаса у устоз эмас, — деган нақл бор», дейди у ғурур билан.

Муаззам тўндўзликни онаси Муаззамхон момодан ўрганган. Унинг бўвиси Зулфия момо ҳам тўндўз бўлган. Муаззамнинг илк тўнчаси онаси ва момоси тиккан тўнлардан ортган матолардан эди. Онаси кизи тиккан тўнчани ўшанда бир ноҳор оиланинг фарзандига совға қилгани, бола қанчалик хурсанд бўлганини ҳамон эслайди у. Чунки тўндўзларда шундай одат бор, биринчи ишини эҳсон қилиши керак.

Ўрт мустақиллиги эл қатори Муаззамхон ҳаётида ҳам саодатли кунларни бошлаб берди. Ургут шаҳар «Андак» маҳалла фуқаролар йиғинининг қотибаси бўлди. Маҳаллада аҳолининг иш билан бандлик даражасини ўрганиш баробарида тикиш-бичишга қўли келишиб қолган кизларни ўзига шоғирд қилиб олди. Қўшни маҳаллалардан ҳам унга ёшлар шоғирдликка келишди. «Андак» маҳалласининг идораси аҳоли учун кеча-ю кундуз очик.

Ҳисоблаб кўринг, бозорда 1 та тўнни 10 мингдан 200 минг сўмгача сотиш мумкин. Тўнбоп матоларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, ҳақиқий чевар бир ойда 1 миллион пул топади. Ҳозирги кунда шоғирдлари Дилфуза Облоқулова ва Гулбахор Облоқуловнинг ҳам 30 нафардан ортик шоғирди бор.

Муаззам учун «Андак» маҳалла идораси иккинчи уй. Кам таъминланган оила учун ердан нафақасини сўраб келганларга ҳужжатларини тайёрлаш билан бирга, унинг қизиқиларини ўрганади. Шундай қилиб, маҳалладаги бошқа хунармандларга шоғирд топиб беради.

Аслида, «Андак» хунармандлар маскани, маҳаллада барча ҳурмат қиладиган белбоғчи чевар Мазлума Шодиева яшайди. Унинг тиккан белбоғлари республика кўргазмалари совринларига сазовор бўлган. Ҳозирда Мазлуманинг ҳам 18 нафар шоғирдлари бор. Қаштачи Сайбаро Азизкуловнинг шоғирдлари эса 24 нафарга етди. Сайбаро турли кўрик-танловларнинг доимий қатнашчиси. Муаззам Жабборов ва, Мазлума Шодиева, Сайбаро Азизкуловларнинг ҳам шоғирдлари Ургут туман Бандликка кўмаклашиш марказида рўйхатда турадилар. Яъни меҳнат стажлари, жамғариб бориладиган нафақаси аниқ, тайин.

«Андак» маҳалласининг кўчаларидан юрар экансиз, бир-бириндан чиройли иморатларга кўзингиз тушади. Озода, ораста, саришта, дарвозалар гулкор. Хув, олисдаги каттакон тоқзор

Қишлоқ тараққиёти ВА фаровонлиги йили

ди. Яна бир йил ўтиб, ўғли учун мухташам иморат бунёд этишди. Меҳнатлари баракаси туфайли қўш-қўш машина олишди. Қарнай-сурнайли тўйлар қилишди. Бу уйларнинг лойиҳа муаллифи ҳам, архитектору ҳам Рофи ҳожининг ўзлари. — Инсон бир нарсага бунчалик қаттиқ киришишга нимадир туртки, илҳом бахш бўлади, албатта. Истиқлол бизга қанот берди, — дейишди кекса устозлар.

ТОШИДА ҲАМ БОҒ УНАДИ...



си си Замира Фармоновага. — Нафақадаги педагоглар оиласи — Рофи Ҳамроқулов билан Хосият Зиёдуллаеваларнинг узумзор ботидан келаётган хуш насим бо, — дея исҳо беради Замира опа. — Тощда унган боғнинг ҳиди бу.

Рофи бобонинг боғига «Тощда унган боғ» номини Япониядан келган меҳмонлар беришган. Чунки уларда ҳам тошда унган боғ бўлиб, олти йиллик меҳнатдан сўнг мева берган экан. Рофи бобонинг боғи эса уч йилда ҳосил берган. Қир бағрида моҳир мусаввир чизгандек зина-зина қилиб экилган узумзорни узоқдан томоша қилишининг ўзи нақадар завқли. Рофи хожи бобо ва Хосият момолар нафақага чиқдилар-у, қир бағрида мўъжиза яратишга киришдилар. «Бир умр қўллари қалам тутган бу кекса ўқитувчилар киннинг совуғини еб, уйларига қайтдилар», — дегувчилар ҳам бўлди. Улар ниҳолларни томчилаб сурдорди, меҳрини тупроққа берди. Болалари билан тиним нима билишмади. Ниҳоят, орадан уч йил ўтиб, олтин кузда майин эрган шабада «Андак» маҳалласига қирдан бол бўйини олиб кетди. Дастлабки йилдаёқ ҳосил 1 тоннадан ошиб кетди. Кейинги йилга бориб, улар боғ ёнидан қўшқават уй кўтариш-

Турғунлик йилларида бўлган воқеаларни гоҳ маънос тортиб, гоҳ қулиб сўйлай кетди Рофи хожи бобо. — Ҳақиқатан алмойи-алжойи замонлардан ҳам ўтдик. Уйланишдан олдин, уй қурайин, деб топган-тутганини йиғиб, бир машина пишиқ гишт олиб келаётганимда милиция ушлаб, оддий ўқитувчи қайси пулингга бу қимматбаҳо гиштини олдинг, — дея ички ишлар бўлимига олиб кетган. Гишнинг пулини қандай тоганимни уч соат туштунтирганмиз. Худога ҳосил берган. Ҳозир ҳаммани уйи бир-бирдан кўркам, ҳамманинг уйда да машина. У замонлар маҳаллада биров битта велосипед ёки мотоцикл олса табриқлангди. Биронтани сигири туғса, бутун маҳалла қувониб: — Табриқлаймиз, болаларингизни озги оқарибди, —

толе кўрдик. Омадди одамлар эканмиз. Қир бағрида яна бешта боғ кўкарди, мўл ҳосил бера бошлади. Машҳур Ургут майизининг катта қисми «Андак»дан чиқади, — дейди Рофи хожи ўз ҳаётидан мамнун бўлиб. — «Андак» маҳалласида уч минг эллик нафар аҳоли яшайди. Шулардан бир минг етмиш нафари аёллар. Маҳалламиз тинч, хонадонларимиз осойишта, ўзига тўқ, фаровон турмуш кечираялгимиз. Бу элимизнинг эмин-эркинлиги, ҳалқимизнинг меҳнатқашлиги, эзгуликка эшлигидан, — дейди гурур билан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Низомиддин Облоқулов.

Зулфия МҲМИНОВА Суратда: Ургутлик тўндўз Муаззам Жабборов шоғирдлари билан (ўндан биринчи). Муаллиф олган сурат.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2009 йил апрелда хусусий тадбиркор Надырханов Рустамхон номига берилган №0908659 рақамли гувоҳнома йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси юридик фанлари доктори, профессор Иқром ЖАЛИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Table with columns for BOSH MUHARRIR, Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, MUASSIS, BO'LIMLAR, Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI, Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ, 10000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy, e-mail, info@uzbekistonovozi.uz, Naviatchi, Behzod SHUKUROV, Gazeta 'O'zbekiston ovozi'ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV, 'Shara' nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasnasida chop etildi, Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy, Gazeta 'O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan, Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq, Gazeta sesha, payshamba va shamba kunlari chiqadi, 'O'zbekiston ovozi' materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi, 949, 8239 nusxada bosildi, T - Tijorat materiallari, ISSN 2010-7633, O'zA yakuni - 20,45, Topshirilgan vaqti - 22.15, 1 2 3 4 6 7 8, Sofuvda erkin narxda